
ИФТОРЛИК ДАСТУРХОНИ ЁЗИЛДИ

Халқимиз орасида эзгулик, саховат, меҳр-оқибат ва шукроналик тимсоли бўлган Рамазон ойида кишиларнинг кўнглини кўтариш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиздан саналади.

Қўштепа туманидаги Баланд масжид МФЙда ҳам шундай қутлуғ кунларда рўзадорлар учун ифторлик ташкил этилди.

Тадбирда ёши улуғларимиз томонидан Қуръон тиловати қилиниб, юртимизга тинчлик ва фаровонлик, халқимизга тўкин-сочинлик ва қут-барака тилаб дуолар қилинди ва бугунги осойишта ҳаётимизга шукроналар келтирилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2024-04-04 07:54:56